«MA'QULLANGAN»
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI
«Dori vositalari tibbiy buyumlar
va tibbiy texnika ekspertizasi va
standartizatsiyasi davlat markazi»
Davlat unitar korxonasi
«15» 12 2017 г. № 7

# ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА
# ТРАУМЕЛЬ С
# TRAUMEEL® S

**Препаратнинг савдо номи:** Траумель С
**Дори шакли:** суртма
**Таркиби:**
100 г суртма қуйидгиларни сақлайди:
*фаол моддалар:*

| | | |
|---|---|---|
| Буймодарон | MT | 0,090 г |
| Кўк Парпиўт | D1 | 0.050 г |
| Тоғ Арникаси | D3 | 1,500 г |
| Доривор Белладонна | D1 | 0,050 г |
| Кўп йиллик Маргаритка | MT | 0,100 г |
| Доривор тирноқгул | MT | 0,450 г |
| Эхинацея | MT | 0,150 г |
| Қизил Эхинацея | MT | 0,150 г |
| Гамамелис виргиниана | MT | 0,450 г |
| Гепар сульфур | D6 | 0,025 г |
| Далачой | D6 | 0,090 г |
| Доривор мойчечак | MT | 0,150 г |
| Ганеман бўйича эрувчан симоб | D6 | 0,040 г |
| Доривор Окопник | D4 | 0,100 г |

*Ёрдамчи моддалар:* суюқ парафин, эмульгирловчи цетостеарил спирти, юмшоқ оқ парафин, тозаланган сув, 96 % этанол.
**Таърифи:** Траумель С оқдан қизил-оқ гача бўлган суртма.
**Фармакотерапевтик гуруҳи:** яллиғланишга қарши касалликларни, таянч-ҳаракат аппарати касалликларини даволаш учун бошқа дори препаратлари.
**Код АТХ:** VO3AX

## Фармакологик хусусиятлари
Маълумотлар йўқ.

## Фармакокинетика
Маълумотлар йўқ.

## Қўлланилиши
Пайлар чўзилишида, пай ва боғламлар зўриқишда, суяк синиши ва дарз кетишда, юмшоқ тўқималарнинг жаррохликдан кейинги ва посттравматик яллиғланишида, турли орган ва тўқималар, шунингдек таянч-ҳаракат аппарати яллиғланишларида (тендовагинит, бурсит, стилоидит, эпикондилит, периартрит, артроз) қўлланиладиган гомеопатик дори препарати.

## Қўллаш усули ва дозалари
Стандарт доза:
Катталар ва болалар (12 ёшдан): кунига 2 марта ёки зарур ҳолларда кўпроқ суртилади.
Болалар учун стандарт доза:
6–11 ёшгача: кунига 2 марта ёки зарур ҳолларда кўпроқ суртилади.
2–5 ёшгача: кунига 2 марта ёки зарур ҳолларда кўпроқ суртилади.
2 ёшгача: кунига 2 марта ёки зарур ҳолларда кўпроқ суртилади.
<u>Қўллаш усули</u>

Сиртга қўллаш учун мўлжалланган. Шикастланган соҳага кўп миқдорда суртилади. Траумель С суртмасини қаттиқ бўлмаган компрессион ва\ёки окклюзион боғлам шаклида қўллаш мумкин.

**Ножўя таъсирлари**
Барча дори воситалари каби ушбу дори воситаси ҳам кам ҳолларда салбий таъсирлар чақириши мумкин.
Терининг аллергик (юқорисезувчанлик) реакциялари жуда камдан-кам (10000:1 ҳолатларда) юз бериши мумкин.

**Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар**
Фаол моддаларга, шу жумладан тоғ арникаси, доривор календула, доривор мойчечаги, эхинацея, дасторбош, дасторгул кўп йиллик маргаритка каби мойчечаклар оиласига мансуб ўсимликларга, эмульсия ҳосил қиладиган цетилстеарил спирти ёки ҳар қандай ёрдамчи моддаларга юқори сезувчанликда қўллаш мумкин эмас.

**Дориларнинг ўзаро таъсири ва бошқа таъсир шакллари**
Аниқланмаган ва ушбу дори воситаси гомеопатик аралашма бўлганлиги ва сиртга қўллаш учун мўлжалланганлиги сабабли кутилмайди.
Агар бошқа дори воситаларидан фойдаланаётган бўлсангиз, яқинда фойдаланган бўлсангиз ёки фойдаланишни режалаштираётган бўлсангиз, бу ҳақида шифокорга ёки фармацевтга хабар беринг.

**Махсус кўрсатмалар**
Цетилстеарил спирти терида маҳаллий реакцияларни (масалан, контактли дерматитни) қўзғатиши мумкин. Кўзга, шиллиқ пардаларга, очиқ яраларга ёки терининг шикастланган жойига тушишига йўл қўйманг.
**Ҳомиладорлик, лактация ва репродуктив давр**
Ҳомиладор ва эмизикли аёлларда клиник тадқиқотлар ўтказилмаган. Ушбу дори воситаси гомеопатик аралашма бўлганлиги сабабли, дори воситасининг таркибий моддалари ҳомиладорлик ва лактация даврида салбий таъсир кўрсатмайди.
Агар ҳомиладор бўлсангиз, кўкракдан эмизаётган бўлсангиз ёки ҳомиладор бўлишни режалаштираётган бўлсангиз, ушбу дори воситасини қабул қилишдан олдин мутахассис билан маслаҳатлашинг.
**Автомобилни бошқариш ва диққат-эътиборни талаб қилувчи қобилиятга таъсири**
Таъсир кўрсатмайди.

**Дозани ошириб юборилиши**
Бирорта ҳам дозани ошириб юборилиш ҳолатлари қайд этилмаган ва бу дори воситаси гомеопатик аралашма бўлганлиги ва сиртга қўллаш учун мўлжалланганлиги сабабли кутилмайди.

**Чиқарилиш шакли**
Полипропиленли бураб очиладиган қопқоқли лакланган алюминийдан тайёрланган герметик тубалар.
Ўрам ўлчами: 50 ёки 100 г суртма.

**Сақлаш шароити**
30˚С дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин.
Дори воситаси қоронғу ва болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

**Яроқлилик муддати**
3 йил.
Очилгандан сўнг сақлаш муддати: 12 ой.

**Дорихоналардан бериш тартиби**
Рецептсиз

**Ишлаб чиқарувчи**

**ГУВОҲНОМА ЭГАСИ**
Biologische Heilmittel Heel GmbH
Dr.-Reckeweg-Str. 2-4
76532 Baden-Baden,
Germany
Tel.: +49 72 21 / 501-00
Fax: +49 72 21 / 501-210
E-Mail: info@heel.com

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги дори воситасининг сифатига тегишли шикоятлар (таклифлар)ни қабул қилувчи ташкилотнинг манзили ва номи:**
МЧЖ "Business Excellence Consulting"
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри 100015
Ойбек кўч. 24 уй
Тел. +99871 281 46 35